



Кейинги пайтларда интернет ижтимоий тармоқларида айрим «билимдон» динсизлар томонидан динимизнинг асоси бўлган Куръони Каримни обрўсизлантиришга қаратилган турли сафсаталар таркаб қолди. Бу тухматчилар ичида ўзбек миллатига мансуб ва ота-боболари мусулмон бўлган шахслар ҳам борлиги кишини яна ҳам ранжитади. Ўзларини жуда билимдон фахмлаётган бу ўзбек худосизларнинг айтаётган дийдиёлари аслида янгилик бўлмай, асосан Гарб мустамлакачиларининг малайлари бўлган гарблик шарқшуносларининг чириган фитналаридан иборатдир. Аслини олганда, Куръонга нисбатан отилган бу таъналарга Ислому уламолари аллақачон керакли жавобни бериб, душманларнинг даъволари пуч эканини илмий далиллар билан исботлаб қўйишган. Бирок бундан беҳабар зумрашлар ўзларича янгилик кашф қилгандек оғиз тўлдириб, чайналиб ётишибди. Бу ҳам бўлса, ўша ўзбек йигитларининг мусулмон фарзанди бўла туриб ўз динини етарли ва ўз манбасидан ўрганмаганининг оқибатидир. Шу боис, ҳозир биз Куръони Карим ҳақидаги шубҳаларга қарши раддия бўлувчи илмий далиллардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан: Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг муқаддас китобларда айтилган сифатлари.

Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) барча пайгамбарлар наздида буюқ мартабада эдилар. Зеро, у Зотнинг Пайгамбар этиб юборилишлари ва васфлари Мусога (алайхиссалом) индирилган Тавротда ҳам, Ийсо (алайхиссалом)га нозил қилинган Инжилда ҳам башорат қилинган. Ўша китобларда Расулумиз (соллalloху алайхи васаллам)нинг пайгамбарлик белгилари тўғрисида очик-ойдин хабарлар келган. Жумладан, Юханно ўз Инжилида шундай ёзади: «Мунхаманно келганида эди, уни Аллох таоло Ўз ҳузуридан сизларга юборур ва у Рухулқудус Парвардигор ҳузуридан бир гўзал намунадир. У менга гувоҳлик берувчидир ва сизлар ҳам (гувоҳлик берувчисизлар). Чунки сизлар аввал бошдан мен билан бу ишдасизлар. Сизларга бу хабарни шакка тушмаслигиниз учун айтдим».

«Мунхаманно» сурёний тилида Мухаммад (доимо макталувчи) демақдир. Эски рум тилида эса бу исм «Бирклитус» шаклида ифодаланган.

Католик оиласида тугилиб, тарбия топган ва шу дин асосида илоҳиётчи роҳиб бўлган, сўнгра Куръонни ўқиб, Исломга қирган инжилшунос профессор Абдулаҳад Довуднинг баён қилишича, Юнон тилида ёзилган «Юханно» Инжилида зикр этилганидек, Ийсо

алайхиссалом башорат килган Пайгамбар «Бараклитус» шаклида кўлланган. Бу исм маъно ва мазмунда «Ахмад» исмига тўла тўгри келади.

Профессор Инжилдан яна бир бошка матнни куйидагича накл килади: «Барча умматлар ларзага келади. Барча халкларга «Химада» келади. Бу уй буюкликка лиммо-лим тўлади. Аскарлар Роббиси худди шундай деган. Кумушга эгалик килади ва олтинга эгалик килади (яъни унинг пайгамбарлиги бутун дунёни камрайди). Бу унинг охирги зафари аввалги зафаридан буюк бўлади. Аскарлар Роббиси худди шундай демокда. Бу жойда салом берилади. Аскарлар Роббиси худди шундай демокда».

Абдулахад Довуд юкоридаги башоратни шархлаб шундай дейди: «Юкорида зикр этилган кисми ўзимда мавжуд бўлган ва амакимнинг кизи, инжилшунос олима Ошурия хонимдан олиб турган инжилнинг бир нусхасидан таржима килган эдим. Ушбу нусха ўз замонасининг кенг муомалада бўлган тилида битилган. Аммо Мукаддас Китобнинг инглизча таржимасига мурожаат килганимизда, асл иврит тилидаги «Химада» ва «шолум» каби сўзлар тинчлик ва таслим бўлиш каби сўзларга таржима килинган.

Профессор Абдулахад ўзининг «Мухаммад Мукаддас Китобда» номли китобида «Юханно Маъмадон Мухаммад билан огохлантирган» деган фасл очиб, «Барнаба» инжилдан Ийсо ибн Марям Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) рухи хакида гапирганини накл килади ва «Барклийт» исми «Ахмад» ёки «Мухаммад» маъноларини англатишини исботлаб, шундай деган эди: «Куръон оятлари Ийсо ибн Марям хакида гапирар экан, уни Бану Исроил кавмига Пайгамбар эканини эълон килиб, куйидагича айтган:

«Эсланг, Ийсо ибн Марям: «Эй, Исроил авлоди! Мен Аллохнинг сизларга Пайгамбаридирман. Мен ўзимдан олдинги Тавротни тасдикловчи ва ўзимдан кейин келадиган Ахмад исми бир Пайгамбар хакида хушxabар берувчиман», деган эди. Бас, қачонки, (Ийсо) уларга (Пайгамбар эканига) оят мўъжизаларни келтиргач, улар: «Бу – аник сеҳр», дедилар».

Бу оят Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хакикатда Пайгамбар эканига ва Куръон илохий китоблигига энг кучли далилдир. Зеро, «Барклийт» сўзининг Ахмад маъносини билдириши хакида хабар бериш Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг кудратидаги иш бўлмаган. Бу факатгина вахий ва илохий индириш оркали бўлиши мумкин. Куръон хужжати катъийдир, чунки юнонча исмининг сўзма-сўз далолати аник-равшан, ҳеч шак-шубҳасиз, Ахмад ва Мухаммад исмланининг маъносига мос келмокда.

Шайх Абдулфаттох Нажжор италян шаркшуноси Карлонлино билан «Барклийт» исми хакида килган суҳбатини эслаб, (улар ўртасида дўстлик бўлган), куйидагича ёзган эди: «Мен Карлонлинодан «Барклийт»нинг маъноси хакида сўрадим. У менга: «Рохиблар бу сўзнинг маъносини «таскин берилувчи» (таъзия изхор килинувчи) деб айтадилар», деди. Шунда: «Мен кадимий юнон тили ва адабиёти бўйича докторлик даражасини олган Доктор Карлонлинодан сўраяпман, рохибдан эмас», дедим. У: «Бу сўзнинг маъноси «кўп мактовлар бўлсин»дир, деб жавоб берди. «Демак, бу араб тилидаги **كريم** феълининг орттирма даражаси (яъни **كريم** Ахмад) сўзига мувофик келар экан-да, а?» дедим. У: «Ха», деди. Мен: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг исмланидан бири

Ахмаддир», дедим. Шунда Доктор: «Дўстим, сен кўп нарсани биласан-да», деди. Кейин биз бир-биримиз билан хайрлашдик. Масих (алайхиссалом)дан Аллох хикоя килган «Саф» сураси 6-оятининг (яъни юкоридаги оят) маъноси иймонимнинг янада кучлирок бўлишига сабаб бўлди».

Куръони Карим оятларидан ташкари Мутъим ибн Жубайр (розияллоху анху)дан ривоят килинган куйидаги хадисни далил сифатида келтириш мумкин: «Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) дедилар: «Менинг бешта исмим бор: Мен Мухаммадман, Мен Ахмадман, Мен Мохийман: Аллох мен сабабли куфрни ўчиради, Мен Хоширманки, (киёмат куни) менинг олдимда инсонлар хашр килинади ва мен уларнинг ортида бўламан».

У Зот (соллalloху алайхи васаллам)нинг бошка исмлари хам бор. Хофиз ибн Хажар айтади: «Бу хадиси шарифдаги мазкур исмларни бештага чегаралашнинг хикмати шуки, Пайгамбаримиз (соллalloху алайхи васаллам)нинг олдинги китобларда ва ўтган умматлар орасида мавжуд бўлган энг машхур исмлари шулардир».

Шунингдек, Имом Бухорий ўзининг «Сахих»ида «Пайгамбарлик аломатлари» мавзусига бир бобни киритган ва унда Соиб ибн Язиддан Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг икки елкалари ўртасида пайгамбарлик мухрини кўрганини ривоят килган. Хофиз ибн Хажар Аскалоний пайгамбарлик белгисининг сифати хакида шундай деган: «Бу белги Пайгамбариз (соллalloху алайхи васаллам)нинг икки елкалари орасида бўлиб, ахли китоблар Пайгамбаримиз (соллalloху алайхи васаллам)ни у оркали танир эди».

Иккинчидан: Куръоннинг мўъжиз – ожиз колдирувчилиги.

Куръон Карим Пайгамбаримиз (соллalloху алайхи васаллам)нинг ижоди бўлганда араблар у билан бахслашишдан ожиз колмаган бўларди. Холбуки, уларнинг ичида машхур сўз усталари, шоирлар, фасихатли ва балогатли сўзловчи нотиклар бўлган. Ўша пайтда Пайгамбаримиз (соллalloху алайхи васаллам) Куръонга ёки бирор сурага ўхшаш нарсани айтишни талаб килиб бахсга чакирар эди. Мушриклар Куръонга карши чикиш ва уни ёлгон деб даъво килиш пайдан бўлишларига карамасдан, унинг каршисида ожиз колар эдилар.

Колаверса, Куръони Карим Мухаммад (соллalloху алайхи васаллам)нинг сўзи бўлиши учун у Зот пайгамбарликдан олдин ўқишни ва ёзишни ўрганган бўлишлари керак эди. У Зот уммий бўлишларига карамай, олдинги умматларнинг киссаларидан дин душманлари танкид кила олмайдиган даражада ўта аниклик билан маълумот берганлар ва бу факатгина вахий оркали бўлиши мумкинлиги хар кандай акли расо одамга аёндыр. Куръони Карим агар башар сўзи бўлганида, бугунги кунимизгача мусхафларда ва инсонларнинг калбларида сакланиб колмаган, аллакачон ўзгариб кетган бўлар эди. Бирок илохий ваъдагина бунга тўскинлик килди. Аллох таоло Куръони Каримда бу хакда шундай деган:

□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□

«Албатта, бу зикрни (яъни Куръонни) Биз Ўзимиз нозил килдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз».

Учинчидан: Келажакка оид гайбий хабар ва кашфиётлар.

Пайгамбаримиз (соллalloху алайхи васаллам) айрим содир бўлган ва бўладиган гайбий ишлар хакида сўзлайдиган оятларни келтирганлар.

«Гайбнинг калитлари Унинг хузурида бўлиб, Уларни унинг Ўзидан бошка ҳеч ким билмас».

Юкоридаги, ояти каримадаги «калитлари» деган сўзни Доктор Мухаммад Саид Рамазон Бутий (рахматуллохи алайх) «дастурлари», «конунлари» деб шархлаб, Куръондаги гайбий илмлар Аллох таолонинг кудрати, вақтлар ўтиши билан бандалар томонидан тажрибалар оркали топилиши мумкинлигини, лекин Куръон гайбий илмларни ҳеч қандай тажрибасиз олдиндан, келажакда бўлишини баён этишини таъкидлаган.

«Мол-мулкларингиз ва жонларингиз (офати ва мусибати) ила синалурсизлар. Шунингдек, сизлардан олдин Китоб берилганлар ва мушриклардан кўп азиятли гапларни эшитасизлар. Агар сабр қилсаларингиз ва такволи бўлсаларингиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир».

Оятдаги дин душманлари томонидан айтиладиган гап-сўзлар мусулмонларга етказиладиган азоб-укубатлар бўлиб, агар рисолат Аллох таоло томонидан бўлмаса, ҳеч қачон рўёбга чиқмаслиги хабар берилмоқда. Чунки бу иш фақатгина Аллох таолонинг Ўзигина биладиган гайбий илмдир.

Шу ўринда француз шифокори Морис Букайнинг Ислом ҳақидаги эътирофини ҳам эслаб ўтиш жоиз: «Куръонда ҳар бир даврдаги илм эгалари учун барча фойдали маълумотлар очик-равшандир. Замонавий илмий уйғониш сабабли ҳозирги даврдагина маъноларини тушуниш мумкин бўлган табиий фанлар ҳақидаги маълумотларни ҳам Куръони Карим ўз ичига олади. Бу ҳақда кўплаб мисолларни «Куръони Карим, Таврот, Инжил ва илм-фан» номли китобимда ёзган эдим. Масалан, инсоннинг насли ва психологияси ҳақидаги кузатувларни айтиб ўтиш мумкин. Ушбу маълумотларни Париждаги тиббиёт академиясига тақдим қилганимда, муассаса бу илмлар замонавий кашфиётларга мутлақо мувофиқ эканини очик-ойдин таъкидлаган. Бундай маълумотлар Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) даврларида ноаниқ бўлгани ҳаммага маълум. Демак, бу маълумотлар мелодий еттинчи асрнинг ёзма манбаларида мавжудлиги инсон акли билан изохлаш мумкин бўлмаган ишдир. Зеро, тарихий фактлар буни тасдиқлаган».

Тўртинчидан: Итоб оятлари ва ифк воқеаси.

Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га нисбатан қойиш маъносида нозил бўлган оятлар ҳам Куръоннинг Аллох таолодан эканига далил бўлади. Бу борада бир неча оятларни эслаб ўтиш мумкин:

(2) (1) (3)

«(Мухаммад) юзини буриштирди ва юз ўгирди. Зеро, унинг хузурига кўзи ожиз одам келган эди. (Эй Мухаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол, у (Сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) покланар».

«Эй Пайгамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллох Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асални) ҳаром қилиб олурсиз! Аллох мағфиратли ва раҳмлидир».

уламолари томонидан ҳам шубхаларига жавоблар бериб келинган ва уларнинг асосизлиги фош килинган. Зотан, Аллох таолонинг ваъдасига мувофик Куръони карим киёмат кунигача барча бўхтону тухматлардан пок бўлиб колаверади.

Кўшимча:

Гарб мутафаккир олимларидан Мичел Харт Куръони Каримни ўрганиб, куйидагича эътироф қилган эди:

«Michael Hart – there is no book in history that is complete with entire letters without any modifications but Quran».

«Инсоният тарихида хатто харфларигача ўзгармаган Куръондек мукамал китоб йўк».

Буюк немис шоири Гёте куйидагича фикр билдирган:

«Geothe - a famous German poet whenever I read the Quran – I feel something is shaken my spirit».

«Қачон Куръон ўқисам, рухиятимда қандайдир туйғу жўш урганини сезаман».

Миржалол Қосимов

Ҳасанхон Яхё Абдулмажид таҳрири остида